

**Москва ва Бутун Рус патриархи КИРИЛЛНИНГ  
архипастирлар, пастирлар, диаконлар, роҳиблар ва Рус Православ  
Черковининг барча содик фарзандларига  
Пасха хабарномаси**

**Художўй муқаддас архипастирлар, ҳақиқатгўй пресвiter ва диаконлар,  
ибодатгўй роҳиблар, азиз биродарлар ва опа-сингиллар!**

**МАСИҲ ТИРИЛДИ!**

Ушбу ҳаётбахш ва маънавий қувватга тўла сўзлар ила сизларни муқаддас Пасха байрами билан чин қалбимдан қутлайман.

Черков анъанаси бежизга бу кунни *байрамлар байрами ва тантаналар тантанаси* деб атамайди, зоро Исо Масиҳнинг тирилиши – бизнинг эътиқодимиз ва умидимизнинг мустаҳкам асосидир. Унда ҳар бир инсоннинг янгилиниши ва маънавий ўзгариши, абадий ҳаёт нури ва сўнмас шодлик манбаи мавжуд. Исо Масиҳнинг тирилиши инсониятнинг энг даҳшатли душманлари – гуноҳ ва ўлимни йўқ қилди, инсонлар ва Худо ўртасидаги тўсиқни бартараф қилди ҳамда бизларни ёвузылик ҳукмронлигидан озод этди.

Нажоткорнинг Тирилишни улуғлаб, муқаддас Николай Сербский шундай ёзган эди: «*Масиҳнинг галабаси – биринчи одамдан тортиб сўнгги инсонгача шодланиши мумкин бўлган ягона галабадир. Ердаги ҳар қандай бошқа галаба одамларни ажратган ва ажратади... Лекин фақатгина Масиҳнинг галабаси – қуёши каби бўлиб, унинг нури барчага баробар ёғилади*» (Суҳбатлар. Ўлимни енгувчи ҳақида хусхабар).

Бу шуни англатадики, нажотга интилаётган ҳар бир инсонга, ҳар бир имонли, Масиҳ йўлидан борувчига гуноҳ устидан ғалаба қозониш ҳамда ва Инжил воизи ҳаворий Юҳанно айтганидек, Худонинг *севикли фарзанди* бўлиш имконияти берилган (1 Юҳанно 3:1).

Биз Пасхани қадимги яҳудийлар сингари – вайда қилинган ерга – кўчиш байрами сифатида эмас, балки бошқа талқинда тантана қиласиз. Қадимги яҳудийлар Қадимиј Аҳд пасхасини Миср асириянидан озод бўлганлари кун сифатида шодлик билан нишонлар эдилар. Бизнинг Пасхамиз бошқа маънога эга. Парвардигор бизни гуноҳнинг зулмати ва ўлим соясидан халос этиб (Луқо 1:79), бизга Самовий Салтанатни инъом этди.

«*Қаро зинданда ўтирган бадбахтларни Исо Масиҳ озодликка олиб чиқди – уларни Жаннат төгларига шодлик билан кўтарди*» (Мадхия XXXVIII), – деб ёзган эди муқаддас Ефрем Суриялик. Унинг бу илҳомбахш сатрлари Пасха сирини – инсонни ёвузылик таъсиридан нажот топтириш сирини чуқур англашни ифодалайди. Ёвузылик йўқ бўлмади, аммо инсон Худонинг фазли билан унга қарши курашиб ва уни мағлуб этиш имкониятига эга бўлди – бу покланиш, дуо ва муқаддас Евхаристия сирида Нажоткорнинг Тани ва Қонига шерик бўлиш орқали рўй беради. Шунинг учун ҳаворий Павел билан бирга ишонч билан айтамизки, *Исо Масиҳни ўлиқдан тирилтирган Худо юрагингизда яшаётган* Ўз

*Рұхы орқали сизларнинг фоний тананғизни ҳам үлкідан тирилтиради* (Рим. 8:11).

Масихий Пасха ердаги фаноликдан абадий ҳаётга, Яратувчимиз ва Нажоткоримиз билан бирлашишни англатади. Шунинг учун, биз учун тирилган Исо Масихга шодланиб ва нажот косасини миннатдорлик билан қабул қилиб (Забур 115:4), Черков бизга ҳақиқий Абадий Озуқани – Масихнинг Тани ва Қонини тақдим этгани учун, Парвардигорни муҳаббат ва раҳм-шафқат амаллари билан улуғлаб, Унинг содиқ шогирдлари сифатида үзимизни намоён қилайлик.

Ваҳоланки, яхшиликка интилишимиз ва Худо йўлидаги муваффақиятларимиз баъзан бева аёлнинг камтарона садакаси каби кўриниши мумкин (Марк 12:42). Аммо биз доимо имонимиз қатъийлиги ва умидимиз мустаҳкамлигини сақлашга ҳаракат қилайлик, *Раббимиз йўлида қилган меҳнатингиз самарасиз қолмаслигини биламиз* (1 Корифн 15:58).

Тирилган Нажоткорни ҳамду сано билан улуғлайлик, бир-биримизни муҳаббат билан бағримизга босиб, ҳаёт йўлимизда Раббий бизга йщлитирган ҳар бир инсонга ўчмас Пасха шодлигини улашайлик, сўзимиз ва амалимиз билан гувоҳлик берайлик, чунки у

**ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ ТИРИЛДИ!**

МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИ

Масих Пасхаси  
2025 й.